



2026 йил 29 июнь

№ РС-25-26

Тошкент шаҳри

**Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2026 йил биринчи ярим
йиллик иш режаси ижроси ва 2026 йил иккинчи ярим йиллик
иш режасини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати Олий суднинг 2026 йил биринчи ярим йиллиги иш режаси ижроси юзасидан Ташкилий-назорат бошқармаси бошлиғининг маърузасини тинглаб, қуйидагиларни қайд этади.

Олий суднинг иш режасида 4 та йўналиш бўйича жами 29 та масалалар назарда тутилган бўлиб, уларнинг ижроси юзасидан тегишли чора-тадбирлар амалга оширилган.

11 таси умумий масалаларга, 3 таси халқаро-ҳуқуқий муносабатларга, 11 таси Олий суд Раёсати, 4 таси Олий суд Пленуми муҳокамасига тааллуқли

Режанинг 1.1, 1.2 бандларида назарда тутилган вазифалар ижроси бўйича қуйи судлар таклифлари асосида ҳисобот шакллари ва ахборот тизимларини такомиллаштириш чоралари кўрилмоқда.

Режанинг 1.3 банди ижроси бўйича Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти томонидан суд объектларида амалга оширилаётган қурилиш ишлари ва ажратилган маблағларнинг ўзлаштирилиши ўрганилиб, ҳар ой якуни бўйича Олий суд раисига ахборот киритиб борилмоқда.

Олий суд Раёсати муҳокамасига киритилган 11 та масаланинг 10 таси ижроси тўлиқ таъминланган, 3.11-бандида белгиланган судларнинг 2026 йил биринчи ярмидаги одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолияти якунларини ҳамда келгусидаги вазифалари ҳақидаги қарор лойиҳасини Раёсат муҳокамасига киритиш масаласи Олий суд раисининг биринчи ўринбосари томонидан июль ойига ўтказилган.

Олий суд Пленуми муҳокамасига киритилиши назарда тутилган 4 та қарор лойиҳалари жорий йил 3 июль кунидаги Пленум муҳокамасига киритилади.

Халқаро-ҳуқуқий муносабатларга оид 3 та тадбирлар белгиланган бўлиб, шундан Эрон Ислом Республикасининг нотасига асосан Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШХТ) аъзо давлатлар Олий судлари раисларининг XXI мажлисини ўтказиш 2027 йилга ўтказилган.

Режанинг 2 ва 3-бандлари ижроси бўйича Германия халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик фонди (IRZ) ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори билан ҳамкорликда судьялар учун одил судловнинг долзарб масалаларига бағишланган бир қатор тадбирлар амалга оширилган.

Олий суднинг фаолияти самарадорлигини ошириш, одил судлов бўйича ягона суд амалиётини шакллантириш, судларнинг ташкилий жиҳатдан фаолиятини янада такомиллаштириш заруратидан келиб чиқиб, 2026 йилнинг иккинчи ярмига мўлжалланган иш режасини тасдиқлаш лозим бўлади.

Шу муносабат билан умумий масалаларга оид 14 та, халқаро-ҳуқуқий муносабатларга оид 4 та, Олий суд Раёсати муҳокамасига 11 та ва Олий суд Пленуми муҳокамасига киритиладиган 3 та масалалардан иборат иш режаси лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Юқорида қайд этилганлардан келиб чиқиб, “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 28-моддасига асосан, Олий суд Раёсати

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2026 йил биринчи ярим йиллигига мўлжалланган иш режаси ижроси юзасидан ахборот маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2026 йил иккинчи ярим йиллигига мўлжалланган иш режаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Олий суднинг Ташкилий-назорат бошқармаси (Ж.Садинов) зиммасига:
иш режаси ижроси юзасидан умумий назоратни олиб бориш;
режадаги тадбирларнинг муддатида ижроси таъминланиши учун масъулларни олдиндан огоҳлантириш;

иш режасида белгиланган тадбирлар ижроси аҳволи юзасидан ҳар ойда Олий суд раҳбариятига ахборот тақдим этиб бориш;

иш режасида белгиланган тадбирлар ижросига оид ҳужжатларни тўплаш, умумлаштириш ва алоҳида йиғмажилдларда сақланишини таъминлаш юклатилсин.

4. Иш режасида белгиланган тадбирларнинг тўлиқ ва ўз муддатида бажарилиши юзасидан тегишлича Олий суднинг судлов ҳайъатлари раислари ва таркибий тузилмалари раҳбарлари масъул эканлиги кўрсатиб ўтилсин.

5. Мазкур қарор Олий суднинг судлов ҳайъатлари ва таркибий тузилмаларига ижро учун, вилоятлар ва унга тенглаштирилган судларга маълумот учун юборилсин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раиси**



Р.Махмудова